

**МУҲАММАД СОДИҚ ҚОШҒАРИЙ**

**ЯХШИ КИШИЛАР  
ОДОБИ  
(ОДОБ-АС-СОЛИҲИН)**



**ТОШКЕНТ  
«ЯНГИ АСР АВЛОДИ»  
2002**

*Сиз ҳар кун и атрофингиздагиларга салом берасиз, катта-кичиклар даврасида ўтирасиз, меҳмон кутасиз, меҳмонга борасиз, устозлардан сабоқ оласиз, зиёратга борасиз, хуллас бир олам мuposабатлар ичида яшайсиз. Аммо жуда оддий кўринган бу ҳаракатларнинг ҳам ўз одоби, нозик жиҳатлари бор. Буларга минг йиллардан буён ота-боболаримиз амал қилиб келганлар. Шарқона одоб-ахлоқ ҳақидаги ушбу рисола Сизнинг ҳаётингиз дастурингиз ва ҳамроҳингиз бўлиб қолади, деган умиддамиз.*

Табдилчилар ва нашрга тайёрловчилар:  
Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ўктам ҳожи УМРЗОҚ,  
Убайдулла СОДИҚ

ISBN 5-633-01345-X

© Муҳаммад Содиқ Қошғарий. «Яхши кишилар одоби». «Янги аср авлоди»  
2002 йил.

## ОРЗУ

«Тибби Набий»да одамда бир парча эт борлиги, шу эт тузалса бутун вужуд тузалиши, бузилса инсон борлиги бузилиши, бу эт юрак эканлиги марҳамат қилинган. Шарқ ахлоқ-одобининг илдиз-уруғи мурфак қалбларга экилган. Натижада илм-тажрибалар билан тўйинтириб тарбияланган вужуд — одамлар яшаш, турмуш тарзларида кимликларини, қандайликларини намён қилиб турганлар, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлар қурганлар, палак, сўзана, атлас, шоҳилар тўқиганлар, Саксонбой, Тўқсонбой, Юзойим деган фарзандларни вояга етказганлар...

Қомусий илм эгалари ҳисобланган Шарқ — Ўрта Осиё алломалари, масалан, Юсуф Хос Ҳожиб, Ал Хоразмий, Ал Беруний, Ибн Сино, Навоий, Кошифий, Ҳавофий... каби зотлар ахлоқ-одоб ҳақида ўз китобларида кўп ва ҳўб битган бўлсалар-да, бу соҳада «Ахлоқи Муҳсиний», «Ахлоқи Жалолий» каби ахлоқ-одоб хусусидаги алоҳида китоблар ҳам бор. Шундай китоб-рисолалардан бири 1740-1899 йилларда яшаб ўтган Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг «Яхши кишилар одоби» эски туркий тилда битилган бўлиб, «Масалаларнинг қаймоғи» номли асар билан бир жилда 1889-1901 йиллари Тошкентда, 1888-1891, 1892 йиллари Истамбулда бир неча бор нашр этилган.

Истиқлолимиз туфайли миллий қадриятларга алоҳида эътибор кучайган бугунги кунда фарзандларимиз ота-боболари, уларнинг яшаш тарзлари билан яқинроқдан танишса, анъанавий ахлоқ-одоб қоидаларидан хабардор бўлсалар мақсадга мувофиқдир, деган орзу-ўйда ушбу рисола-китобчани бугунги ўқувчига тушунарли ва қулай ҳолатда тақдим этишни ниятладик.

*Маҳмуд ҲАСАНИЙ,  
Ўз.Р.Ф.А. Шарқшунослик  
институтининг китоблар  
фонди мудири*



*Завқ эгаларига виждон олдида баён қилинган ва аёндулки, одамга яхшиларнинг суҳбати абадий саодат йўлининг очилишидир. Ёмонларнинг эса тескари ички кирдикорлари доимий офатлигига ҳеч шубҳа ва шак йўқдир. Яхшиларнинг суҳбати, хусусан, адаб кўп-кўп фойдалар беради. Шундай экан, мақсад йўлида юрвчининг ичию таши одоб қоидалари ва ёқимли хулқлар билан зебланган ва тоза бўлмаса, талаби унга зарурий натижани бера олмайди, зеро «Ишқ йўлининг ҳаммаси одобдур».*

*Маснавий:*

*Беадаб танҳо на худро дошт бад,  
Балки оташ дар ҳама офоқ зад.*

*Маъноси: Адабсиз на фақат ўзи учун  
ёмонлик қилади,  
балки бутун дунёга ўт қўяди.*

*Бас, аниқ мақсад йўлидагилар ички-ташқи одобларни билиб, унга амал қилишлари лозим бўлади. Токи, улар талаб йўлларида фойда топиб, улуғлар даражасига кўтарилсин. Шунинг учун ички-ташқи одобларнинг зарурийлари мўтабар китоблардан олиниб, жаъм қилинди ва бу китобга «Одоб ас-солиҳин» («Яхши кишилар одоби») дея ном берилди ҳамда етти боб, ҳар қайси бобни тўрт фасл қилиб тартиб берилди.*

## БИРИНЧИ БОБ

### ИЗН СЎРАШ ВА САЛОМЛАШИШ, ҚЎЛ ОЛИБ КЎРИШИШ БАЁНИДА-КИ, ТЎРТ ФАСЛДИР

*Биринчи фасл — изн сўраш, яъни бир кишининг  
олдига кириш учун изн талаб қилишда  
беш одоб бордур*

Аввалги одоб — ҳар ким бир кишининг эшигига бориб киришни истаса, аввало у кишига ўзининг келганини эшик орқасидан оҳиста тақиллатиш ё йўталиш тариқасида билдиради.

Иккинчи — агар овоз чиқса, эшикнинг орқасидан салом бериб: «Ичкарига кирайми?» деб сўрайди. Бундай изн сўраш уч мартабагачадир. Ҳар изн сўрагандан кейин тўрт ракаат намоз ўқишлик миқдорида кутиб турилади.

Учинчи — агар уч бора чақирганда ҳам уй эгасининг овози чиқмаса ва киришга изн берилмаса, кутиб турулмай эшикдан тезда қайтилади.

Тўртинчи — агар уй эгаси: «Сиз ким бўласиз?» деб сўраса, жавобига отини айтади, аммо гумондор қилиб: «Мен сизнинг ошнангизман ё дўстингизман» дейилмайди.

Бешинчи — агар уй эгаси ҳамроҳлигида борилган бўлса, юқоридаги тартиблар билан эмас, шароит бўйича иш қилинади.

*Иккинчи фасл — саломнинг одоблари баёнида- ки, унда  
ўн икки адаб бордур*

Аввалги адаб — икки мўъмин бир-бирига қарши келсалар, хоҳ ошно ва хоҳ ношно бўлсин, салом беришгайлар-ки, салом бериш суннатдир ва салом берилган бир киши бўлса, жавоби фарзи айндыр, агар

кўп бўлса, жавобни бир киши қайтарса, фарзи кифоядир.

Иккинчи — саломни «Ассалому алайкум!» ё «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!» деб адо қилинади.

Учинчи — уламоларнинг фикрича, жавобда «Ва алайкумус салом!» ё «Ва алайкумус салому ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!» дейилади. Жавобда албатта «Ва алайкумус салом!» дейилади, «вов» билан «Ва алайка» дейилмайди, «ва алайкум» ни «вов» ини тарк ҳам қилинмайди. Яна жавоб тўхтовсиз берилади ва агар кечиктирилса, фарз гардандан тушмайди. Яна жавоб саломни салом берувчига эшиттирилмаса ҳам фарз гардандан тушмайди. Агар икки киши бир-бирларига олдинни ният қилиб салом берсалар ва бири илгари, бири кейин бўлиб қолса, жавоб адо топади. Аммо икки салом бир пайтда берилса, бир-бирига жавоб бўлмай, ҳар қайсинисига алоҳида-алоҳида жавоб лозим бўлади.

Тўртинчи — агар бир киши кўпчилик мўъминларнинг олдига кирса, бир кишини махсуслаб эмас, балки барчани қасд қилиб салом беради. Аммо кўчада ва бозорда бир кишини хослаб салом берса ҳам бўлади. Агар кўпчилик бир кишига салом берса, жавобда ҳаммалари қасд қилинади. Агар улардан бирини махсус қилиб салом жавоби берилса, ўзгалар саломни жавобсиз қолиб, фарз соқит бўлмайди. Агар бир киши бошқа кишига бировдан салом айтиб юборса, ўртадаги одам саломни еткизса, дарҳол жавоби вожиб — шартдур. Агар мактубда салом битилса, у ҳолда ҳам жавоб лозим бўлади.

Бешинчи — салом берилган вақтда бош тубан қилинмайди. Яна қўл, кафт, бош билан ишора қилинмайдики, хунук ва макруҳ — таъқиқлангандир.

Олтинчи — қарши томонга эшиттириб баланд овозда салом берилади ва жавоби ҳам салом берувчига эшиттирилади. Агар карга салом берилса ҳам овоз чиқарилади, ҳам қўл билан ишора қилинади, агар қўл билан ишора қилинмаса ва кар эшитмаса, унга жавоб лозим эмас. Агар кар салом берса, жавобда ҳам талаффуз, ҳам ишора қилинади. Агар гунгга салом берилса, гунг қўли билан ишора қилиб жавоб берса, фарз соқит бўлади. Агар гунг салом берса, жавобни тил билан қайтарилади ва яна ишора ҳам қилинади-ки, фарз гардандан соқит бўлсин.

Еттинчи — катта кичикка, отлиқ пиёдага, юрган ўтирганга, бой камбағалга, оз кўпга салом беради.

Саккизинчи — бегона киши чиройли хотинга салом бермайди, агар у салом берса, жавоб олмайди. Агар чиройли бўлмаса, салом бериш мумкин, салом берса, жавоб қайтариш ҳам лозим. Агар ўз хотини ва маҳрамларига ҳар қанча чиройли бўлсалар ҳам салом бериш ва алиқ олиш лозимдир. Хотинларнинг ҳам бири-бирларига салом беришлари суннатдур ва жавоби шартдир. Агар бир киши бегона чиройли хотинларга салом берса, зарари йўқ ва уларга жавоб лозим, агар улар бир бегона номаҳрам кишига салом берсалар, салом жавоби лозим бўлади. Агар кўп киши бир бегона чиройли хотинга салом ё бир бегона чиройли хотин бир гуруҳ эркакка салом берса, башартики ўртада фитна бўлмаса, бу икки ҳолда ҳам жавоб лозим бўлади.

Тўққизинчи — ўн бир жойда салом бериш макруҳ — маън қилингандир-ки, жавоби ҳам лозим эмас: аввал ҳожатхонадаги кишига. Иккинчи — хотини билан яқинлик қилган кишига. Учинчи — ухлаган кишига. Тўртинчи — ҳаммомдаги ювуқсиз кишига. Бешинчи



— таом еб турган кишига, агар таом оғзида бўлса, агар таом оғзида бўлмаса, салом жоиз ва жавоби лозимдур. Олтинчи — хутба ўқиётган имомга. Еттинчи — азон ва такбир айтиб турган муаззинга. Саккизинчи — намоз ўқиётган кишига. Тўққизинчи — Қуръон ўқиб турган кишига. Ўнинчи — дуо ўқиб турган кишига. Ўн биринчи — ҳажда эҳром боғлаган одам «Лаббайка» айтиб турганда.

Ўнинчи — бидъатчи, ҳаёсиз ва фисқ-фужурчи, золим ва кофирга салом берилмайди, улар салом берсалар, жавоб қилинмайди. Агар мусулмон киши ўзга диндаги одамга салом бермоқчи бўлса, «Ассалому ала манит табаъал Худо — тўғри йўлда юрувчига салом!» дейди, ундайларга хат юборилса, мактуб охирида ҳам саломни ушбу тариқада йўллайди, аммо «Ассалому алайкум!» демайди.

Ўн биринчи — агар ғайридин муслимга салом берса, жавобига «Ва алайкум...» дан зиёда сўз демайди.

Ўн иккинчи — айрилиш вақтида ҳам салом суннатдур.

*Учинчи фасл — мулоқот одоби баёнида-ки,  
унда олти адаб бордур*

Аввалги адаб — мулоқотда қўл билан кўришадилар.

Иккинчи — қўл учи билан эмас, балки кафт юзини кўришувчининг кафтига қўйиб, икки қўл билан кўришилади-ки, суннат шудир. Яна кўришишни бошлаган киши ҳамроҳи қўлини тортмагунга қадар қўлини тортмайди.

Учинчи — кўришиш вақтида юз очиқ тутилади.

Тўртинчи — «Аллоҳумма солли аъла Муҳаммад ва аъла оли Муҳаммад» деб салавот айтилади.

Бешинчи — «Эй Аллоҳ, дунё ва охираат яхшиликлари-дан бер, ўт азобидан сақла!» деб ҳамду сано айтилади ва талаби мағфират қилинади.

Олтинчи — кофир, текинхўр, золим, ҳаёсиз, фисқ-фужурчи, бузуқ чиройли эркак билан кўришилмайди, балки бесоқолнинг юзига қараш ҳам ҳаромдир. Яна хотинларга ўхшаш қўл сийпаши ундан ҳам ҳаромроқдир.

*Тўртинчи фасл — қучоқлашиб кўришиш, қўл ўпиш одоблари баёнида-ки, унда тўрт адаб бордур*

Аввалги адаб — сафардан қайтган киши кўрадиган кишилари билан қучоқлашиб кўришади, ёш ўғлонларни қучоқлаб, юзидан ўпса жоиздур. Аммо бесоқол чиройли эркаклар билан қучоқлашиб кўришилмайди-ки, бу макруҳнинг ҳам ўта маън этилганидир. На мусофир, на муқим — ҳеч ким улар билан қучоқлашиб кўришмайди.

Иккинчи — муқимлар ўртада бир неча кун ўтган бўлмаса, ҳар кунги мулоқотларида қучоқлашавермайдилар-ки, макруҳдир.

Учинчи — қўл билан кўришган вақтда солиҳ бандаларнинг қўлини ўпиш мустаҳабдур.

Тўртинчи — кўришиш чоғида улуғ олим, шайх, азизларнинг қўлини ўпиш мумкин.

## ИККИНЧИ БОБ

УХЛАШ, ЙЎЛ ЮРИШ, ОТГА МИНИШ ОДОБЛАРИ  
БАЁНИДА-КИ, УШБУ БОБ ҲАМ ТЎРТ ФАСЛ  
БИЛАН ТАРТИБЛАНГАН

*Аввалги фасл — ухлаш баёнида-ки,  
унда етти адаб бордур*

Аввалги адаб — ҳар ким ухлашдан олдин уч бора «Бисмиллаҳиллази ла язурру маъасмиҳи шайун фил арзи вала фиссамаи ваҳувас самиъул ʔалим» деса, ҳеч нарса — на илон, на чаён... ҳаттоки, агар қаттол заҳар берсалар ҳам зарар қилмайди...

Иккинчи — ухлашга қасд қилинган пайтда эшиклар маҳкам ёпилади, идишлар оғзи беркитилади, тўшак уч бора силкиб қоқилади, ётиладиган ўрин енг ё бошқа нарса билан супурилади, ўту чироқлар ўчирилади-ки, бу барчаси суннатдир.

Учинчи — олимлар уйқуни кичик ўлим ҳисоблаганлар-ки, «Бисмика Аллоҳумма амуту ва аҳя», яъни «Сенинг исминг билан ўламан, сенинг исминг билан тириламан!» деб ўринга ётилади.

Тўртинчи — ухлаш жойига ортиқча мулойим нарсалар тўшалмайди, юзни қиблага қаратиб, ўнг қўлга бир оз суялган ҳолда ётилади-ки, суннатдур.

Бешинчи — ҳазрати Ойша розияллоҳи анҳудан ривоят қилинади: ҳазрати Расули Акрам ухламоқчи бўлганларида таҳорат қилиб кийимларини чиқарар, ухлаш жойида ўлтириб «Ихлос» ва икки «Қулаъузу» сураларини ўқиб жаъм қилган икки кафт муборакларига дам урардилар-да, аввал бошларига, сўнг тамом аъзола-

рига уч бора сургач, ўнг кафтларини ўнг юзларига кўйиб ётардилар.

Олтинчи — уйқудан турган вақтда ҳамд айтилади.

Еттинчи — яхши туш кўрилса изҳор қилинади ва шуқр этилади, ёмон ва паришон туш кўрилса ҳеч кимга айтилмай, чап тарафга уч бора туфланиб, паноҳ сўралади.

*Иккинчи фасл — либос кийиш одоблари баёнида-ки,  
унда етти адаб бордур*

Аввалги адаб — кўнгилни бир либосга боғламай, муяссар бўлган либос кийилади. Ҳазрати Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар қайси либосни кияр эдилар ва бир либосга боғланмас эдилар, хоҳ кўйлак, хоҳ пўстин... кияверар эдилар.

Иккинчи — либосда такаллуф қилинмай, аксари оддий ва жўн либос кийилади.

Учинчи — кўйлак, либоснинг енги қўл бандигача тор қилинади, бармоқлар учигача ҳам жоиз. Аммо ундан узун қилинмайди-ки, макруҳ ва суннатга хилофдур. Яна енгни кенг қилиш суннатдур, тор қилиш бидъатдур. Кўйлак ва ишгоннинг узунлиги почанинг ярмигача бўлади, то тўпиққача ҳам жоиздур, ундан зиёдаси бидъатдур.

Тўртинчи — оқ либос кийиш суннатдур, қизил ё сариқ либос эркакларга макруҳдир.

Бешинчи — либос покиза тутилади. Саҳиҳ хабар бўйича «Тозалик иймондандур». Бу ҳадис тақозоси билан барча нарсани покиза тутиш мустаҳабдур, хусусан, либос кўпроқ риоя қилинади.

Олтинчи — неъмат аҳллари кибру ҳаво қилмай неъматлар изҳори учун яхши либос киядилар. Улуғлар латиф либос кийиш қинғир нафс чангалидан қутилган ва ҳавойи нафсини шаҳид этган кишиларга жоиздур, деганлар.

Еттинчи — янги либос кийганда ҳамд айтиб, эски либос садақа қилинади. Ҳадиси шариф хабарича, кимки янги либос кийганда шу тариқа иш тутса, у киши Ҳақ таоло паноҳида бўлиб, барча офат ва балолардан омон бўлади. Яна ўлгунига қадар роҳи-ростда бўлади, вафотидан сўнг ҳам Аллоҳнинг ҳифзу ҳимоятида бўлади...

*Учинчи фасл — йўл юриш одоблари баёнида-ки,  
унда ўн етти адаб бордур*

Аввалги адаб — бир ишга юзланиб уйдан чиқишда «Аллоҳга Аллоҳ номи билан таваккал қилдим, ундан бошқа ҳеч кимда куч ва қудрат йўқ», деса, «Курси ояти»ни ўқиса, уйга қайтгунга қадар офат-балолардан омонда бўлади...

Иккинчи — уйдан чиқишда осмонга, янги ойга, юлдузнинг учишига кўзи тушган одам, тикилиб туравермай, назарини пастлатгани яхши.

Учинчи — йўл юришда қадам тез-тез қўйилмай, оғир-оғир ҳам юрилмай, балки ўртача юрилади.

Тўртинчи — пойабзал иккала оёққа кийилади ё иккаласи яланг бўлади, узрсиз бир кавуш, бир маҳси ё бир этик билан юрилмайди-ки, макруҳдир. Ва яна нажосатни босишдан эҳтиёт бўлинади.

Бешинчи — танҳо юришдан ор ва номус қилинмайди. Аммо бир кишининг орқасидан юришга ҳам одат қилинмайди.

Олтинчи — кўча лой маҳалда танг жойда бир кишига дуч келинса, унинг либосини нажосат англаб ўзини олиб қочиб турмайди.

Еттинчи — йўлда ҳар томонга беҳуда алангламай, кўзини қадам қўядиган жойидан узмаган ҳолда огоҳлик билан йўл юради.

Саккизинчи — хусусан, бозор жойларда ва одамлар кўп ерда эҳтиётлик билан йўл юрилади, токи бошқа кишига азият етмасин. Чунончи, юрувчи ёни билан бир кишини урмасин ё биронтанинг оёғини босмасин. Йўлда икки киши суҳбатлашиб бораётган бўлса, улар орасидан кесиб ўтилмайди, хусусан, хотинлар ўртасига кирилмайди-ки, ғоят даражада макруҳдур.

Тўққизинчи — йўлда қари кишиларни эҳтиром қилинади ва уларнинг орқаларидан юрилмайди. Хусусан, йўлда устози ёки улуғ одам билан ҳамроҳ бўлса, албатта уларнинг ортларидан изларига қадам қўймаган ҳолда эҳтиётлик билан юрилади-ки, акс ҳолда беадаблик бўлади.

Ўнинчи — йўлда ҳамроҳларини риоя қилади, агар илгари юрса, хизмат ниятида, агар кейин юрса, адаб ва ҳурмат мулоҳазасида бўлади. Кўпчилик биродарлар йўл юришда балиқлар сув ичида сузгандек юрадилар. Илгари ва кейинлик асло кўнгилларига келмайди.

Ўн биринчи — бир киши билан йўл устида сўзлашиб турмай, саломлашиб тез ўтилади. Агар зарур сўзлари бўлса, бир четга чиқиб сўзлашилади, аммо бирон манзил ё уйда ўтирган бўлсалар, бир-бирларидан ҳол сўраш яхши, сабаби улфатчилиги ва муҳаббатлари ортади.

Ўн иккинчи — агар вақт бўлса, тош ва азият етдиган нарсалар йўлдан узоқ қилинади. Агар йўлга бурун суви ва оғиздан балғам ташланса, беркитиб ўтилади, булар олдинга ёки ўнг тарафга эмас, балки чап тараф ё орқага ташланади. Агар хонаи Каъба чап тарафда бўлса, орқага, орқада бўлса, чап тарафга ташланади. Хулласи калом, қибла тарафга ташланмайдики, беадаблик бўлади.

Ўн учинчи — йўлда нотавон ва мазлум кишилар кўринса, уларга мадад берилади. Агар қўлидан идиши тушиб синган гўдак ё ночор одамга дуч келинса, улар ўшанга маҳзунланиб туриб қолган бўлсалар, ўшандай янги идиш олиб бериб, уларнинг кўнглини хурсанд қилинади...

Ўн тўртинчи — кўча бошида бекор ўтирилмайди, мабодо ўтирса, йўл ҳақи адо қилиниши лозим. Йўл ҳақи шудурки, номаҳрамларга назар солинмайди ва саломга жавоб қайтарилади, яхши ишларга буюрилади ва ёмон ишлардан тийилади, зулм тортганларнинг арздодига етилади.

*Тўртинчи фасл — от минниш одоблари баённда-ки,  
унда етти адаб бордур...*

Биринчи — отлиқ ҳар қанча улуғ киши ва шоҳ бўлса ҳам пиёдага салом беради, пиёда гарчи фақирҳол, кичик, бечора бўлса ҳам.

Иккинчи — отни йўлдан эҳтиёт билан ҳайдалади. Ҳарчанд зарур иши бўлса ҳам ҳеч бир кишига озор етказмайди, яна тез-тез юргизмайди, хусусан, кечаси.

Учинчи — отлиқ хизматкор ва етакловчининг ҳолини риоя этади. Агар улар унинг ихтиёрида бораётган бўлсалар. Шу тариқада-ки, у бечоралар югуриб

ҳолдан тоймасинлар учун отни тез юргизилмайди. Агар борадиган жойлари узоқ бўлса, уларни пиёда юргузма-гай-ки, бу иш мурувватга хилоф ва бидъатдир. Ва агар муяссар бўлса, уларга ҳам улов топиб берилади, муяссар бўлмаса, гоҳ-гоҳ орқасига миндиради. Агар мар-кабни икки кишига тоқати бўлмаса, гоҳо уни миндириб, ўзи пиёда юради.

Тўртинчи — маркабнинг бош ва юзига чўп ё қамчи билан урилмайди, отнинг устида бир жойда тўхтаб турилмайди. Яна от устида пинакка кетиб ухланмай-ди. Яна отни кўп ташна ва оч қўйилмайди. Яна ўта иссиқ ва совуқ жойда турилмайди. Агар бориладиган жой узоқ бўлса, гоҳо пиёда юрилади.



## УЧИНЧИ БОБ

### СУҲБАТ АҲЛИНИНГ ОДОБИ ВА ШАРОИТИ БАЁНИДА-КИ, ТҶҲРТ ФАСЛДИР

*Аввалги фасл — суҳбат аҳдларининг одоби  
зоҳирлари баёнида-ки, барчаси ўн олти адабдур*

Аввалги адаб — шоғирд устознинг суҳбат ва хизматида тавозе билан куйроқ жойда ўтиради. Агар устози юқорига ўтишни буюрса, ўша жойга ўтади, ҳаттоки катталардан ҳам юқорироқдаги жой бўлса ҳам. Ўтиришда беҳуда ҳаракатлар қилмай намозда ўтиргандек оромда ўтиради.

Иккинчи — мажлисда буйруқ-қайтариқларга ҳушёр туриб, уларни жону дил билан қабул қилади, амалга оширади.

Учинчи — устознинг сўзларига яхшилаб қулоқ солиб ўтиради ва унга амал қилиш учун сўзларни хотирасида яхши сақлайди.

Тўртинчи — агар устози ўзидан қолган таомни берса, унга ҳеч кимни шерик қилмай, ўзи танҳо тановул қилади.

Бешинчи — устоз билан сўзлашмоқчи бўлса, устознинг гапни эшитишга вақти борми-йўқми яхшилаб англаб, орага гап сифмаслигига ақли етса, ўзини тияди. Агар имкон топилса, қисқа ибора билан мақсадини англатади.

Олтинчи — сўзлаган чоғда устозга оҳиста ва мулозим сўзланади.

Еттинчи — устознинг хизмат ва суҳбатларида хомуш бўлинади, хусусан, агар бир жойга бормоқчи бўлса «Қаерга борасиз?» деб сўрамайди. Барча ишларда шу тариқа хомуш бўлади.

Саккизинчи — барча ихтиёр устозга топширилади. Шогирд изн-ихтиёри билан ҳаттоки еб ичишда ҳам бир иш қилмайди.

Тўққизинчи — агар зарурат туғилса ҳам устоз билан кенгашсиз ҳеч иш қилинмайди.

Ўнинчи — агар устоз шогирдга маслаҳат-кенгаш тапласа, «Ўзингиз яхши биласиз», деб айтади, ўз раъй ва тадбирларини тезгина изҳор қилмайди.

Ўн биринчи — устознинг хилватхоналарига беизн кирилмайди. Агар заруратдан кирилгудек бўлса, устози ўтирадиган жойга ўтирмайди, шунингдек, устознинг дўпписи, пойабзали ва бошқа кийимларини киймайди.

Ўн иккинчи — бир хонада устози билан ҳамроҳ бўлиб ухламайди, агар буюрилса, одобга хилоф эмас. Лекин оғир ухламай, ҳушёр бўлинади.

Ўн учинчи — устозга мутойиба ва мазах қилинмайди, унинг ҳузурида ўзга кишиларга ҳам ҳазил қилинмай, ўзни суҳбатдан мутлақ сақланади.

Ўн тўртинчи — устоз ҳузурида фазл изҳор қилинмайди.

Ўн бешинчи — устоздан бирон хулоса-ҳукмга тушунтириш ва изоҳ талаб қилинмайди.

Ўн олтинчи — агар беодоблик содир бўлиб қолса ва мушоҳада билан устоз унга ғазаб қилмаса, унинг макридан сақланиб юрилади. Англансин ва яхши билинсинки, устоз макр қилса, шогирдидан ҳеч иш кутмас, макр аломати раддир, агар мулоҳаза қилса, хушнуд бўлингай-ки, қабул аломатидир.

*Иккинчи фасл — маънавий одоб баёнида-ки,  
у ўн олти адабдур*

Аввалги адаб — шогирд устозини ўз асрининг энг улуғи деб эътиқод қилади.

Иккинчи — устозни шогирдларнинг аҳвол ва сирларидан хабардор деб эътиқод қилинади.

Учинчи — шогирд устозни маън этиши билан дарҳол кетмай, балки мулозаматни кўпроқ қилади.

Тўртинчи — имкон даражада фазилат кўрсатишдан тийилиб, устознинг мажлисларида барча адабларни ўзида жамлаган ҳолда ўтиради. Ҳар қанча оғир ўтирса, фойзани кўпроқ олади, чунончи, сув агар коса ичида сокин ва ором билан турса, ҳар қандай суратнинг акси унда назарга яхши ташланади. Агар сув нотинч ва тарқоқ турса, ҳеч қандай акс назарга тушмайди.

Бешинчи — ҳамиша ҳамма ишда устозга боғлиқ турилади. Ҳазрат Хўжа Аҳрор қуддуси сирраҳу айтганларки, шогирднинг устозга боғлиқлиги доимо хузуда ва сирлилигида, устознинг икки қошининг ўртасида бўлади. Ва устозни ўзига ҳозир ва эътиборли деб англанади.

Олтинчи — устознинг вақтини тифиз ва ўзини кўб мулоҳаза қилади, вақти зиқлиги аён бўлса, дарҳол четланилади. Кўришганда мулозамат қилиб, суҳбатни лозим тугади.

Еттинчи — ўзининг сирларини устозига изҳор қилиб, устознинг сирларини ўзгалардан яширади.

Саккизинчи — воқеани қачон, қай вақтда, қандай бўлганини аниқлашда устознинг илмига суянилади, шогирд ўз илми билан масаланинг тўғрилигига ҳукм қилмайди.

Тўққизинчи — устознинг инкорчилари билан тортишмай, улар суҳбатидан қочади.

Ўнинчи — мажлисда устознинг юзига кўп қарамайди.

Ўн биринчи — устоз ҳузурида бошқаларни кузатмай, балки сукут ва сақланиш билан устозга боғлиқ бўлиб ўтиради.

Ўн иккинчи — агар воқеа рўй берса, шогирд устозга айтади, аммо жавоб қилишини кутмайди.

Ўн учинчи — устознинг суҳбатини ўзига яқинликнинг бир сабаби деб билмай, балки адаб йўлларини ўрганиш, жамоат таҳсили, ичию ташини ўнглаш учун восита деб билади.

Ўн тўртинчи — устознинг хизматида экан, малолланиш, маън қилиш хислатларининг барчасини ташлайди.

Ўн бешинчи — устозга малол ва жирканч келтирадиган нарсалардан ўзини сақлайди.

Ўн олтинчи — устознинг ҳеч қандай феъл-қавлига на тилда ва на дилда эътироз қилмайди.

*Учинчи фасл — суҳбат аҳлига лозим нарсалар баёнида-ки, ўттиз икки адабдур*

Аввалги адаб — хилватда суҳбатлашиш ихтиёр қилинганда бегараз ва яхши ниятда бўлинади.

Иккинчи — таҳорат билан бўлинади.

Учинчи — суҳбатлашувчининг таъбида нафрат қўзғамаслик учун ўзидан бадбўй нарсаларни узоқ қилади, либос ва баданни покиза-муаттар тутади. Дўстларда жирканиш ҳосил бўлмасин учун хом пиёз, саримсоқ ва шу каби ислик нарсаларни оғзига олмай, тишининг чиркини кеткизади.

Тўртинчи — яхшилар суҳбатига чанқоқ бўлади. Азизлар «Намознинг қазоси бор ва суҳбатнинг қазоси йўқ, яъни яхшиларнинг суҳбатини йўқолгандан кейин топиб бўлмас» деганларидай, суҳбатни йўқотмаслик ҳаракатида бўлинади.

Бешинчи — зикр вақтларида ҳалқа тугилади-ки, унда неча фойда бор, бири шуки, юзлари бир-бирига қарайди. Яна бир-бирларига назар қиладилар. Яна ҳамма беимтиёз бир қаторда ўтиради-ки, қўйи ва юқори унда маълум бўлмайди. Яна ҳалқа суратида «Ҳо» ҳарфи зоҳир бўлади-ки, исми Зотдур. Суҳбат аҳли ўртасида, агар бир улуғ киши бўлса, адаб улки, бошқалар юзини шу кишига қаратиб ўтиради. Агар икки киши суҳбат тутса, тиззама-тизза рўпара ўтирадилар.

Олтинчи — ҳалқанинг ўртасига ўтирмайди-ки, макруҳдур, агар зарурат бўлса, жоиздур, зарарсиз. Чунончи, бир кишига зарур сўзи бўлса ё бир хизматни бажо келтирмоқчи бўлса.

Еттинчи — мажлисда суҳбат аҳлига ерни кенг қўйиб адаб ва ҳурмат билан ўтиради. Тиззасини бошқанинг тиззасига қўймайди. Беризо икки кишининг ўртасига бориб ўтирмайди.

Саккизинчи — чап қўлини орқасидан ерга қўйиб мутакаббирона суяниб ўтирмайди. Агар аҳён-аҳён тиззасини кўтариб ё чордана қуриб ўтирса жоиздур. Яна икки тиззасини кўтариб икки қўли билан чап почасини ушлаб ўтиради.

Тўққизинчи — суҳбат аҳли кирган ва чиққан вақтда ўриндан турилади.

Ўнинчи — афзал кишини юқорига ўтқизилади. Ва таъзим қилинади, ҳар кимни ўзидан яхши англаб унга таъзим қилади.

Ўн биринчи — ўзини беадабона сўздан, феъдан, ёмон ҳаракатдан, ўринсиз сукутдан сақлайди.

Ўн иккинчи — улуғ ва кичикларни ҳар қайсисини ўз мартабасига лойиқ ҳурмат қилади, қари кишини ота мартабасида англаб, уларга хизмат қилади. Яқинларни оға ва ини қаторида кўриб, уларга яхши муомала ва иззатда бўлади, кичикларни ўз фарзандлари қатори-

да тинглаб, насиҳат ва адаб билан бўлади. Ва уларга нима нарсаси яхши бўлса, далолат қилади. Лекин бесоқол хушрўйлар суҳбатидан парҳез қилади. Агар заруратан уларнинг суҳбатига гирифтор бўлса, улардан кўзини ва кўнглини сақлайди.

Ўн учинчи — тавозе аҳлига тавозе ва муҳсинга эҳсон ва дуои хайр қилади.

Ўн тўртинчи — агар аҳли мажлисда акса келса, имкон даражада овозини паст қилади ва мулойим акса уради, оғзига енгиларни ўзга нарсани тутлади...

Ўн тўққизинчи — акса такрорланаверса, дуруст муносабат шуки, учинчи аксада аксиргувчига «Тумов бўлибсизми?» дейилади.

Йигирманчи — аҳли суҳбатга хоҳиш ва рағбат билан ўзи хизмат қилади.

Йигирма биринчи — аҳли суҳбатдан ҳеч хизматни аямайди ва ҳеч кимга хизмат буюрмайди.

Йигирма иккинчи — паст ва забун хизматдан, чунончи, таҳоратхонани пок қилиш, тозаланиш кесаги ушатиш, шунга ўхшаш хизматлардан ор ва номус қилмайди.

Йигирма учинчи — унинг хизматини аҳли суҳбат қабул қилганига кўп-кўп шукр этиб, қилган хизматини миннат қилмай, аксинча миннатдор бўлади.

Йигирма тўртинчи — ошно ва бегона суҳбатида юзини очиқ, тилини чучук тутлади-ки, бу хислат гўзал хулқ ва чиройли ҳамда афзал одобдур.

Йигирма бешинчи — аҳли суҳбатга шариат буюрган нарсалардан мувофиқотчилик қилади, хоҳ сўзда, хоҳ феълда, тортинчоқлик қилиб ўтirmайди.

Йигирма олтинчи — аҳли суҳбатдан ўз мулкини аямайди, балки уларни ўз мулкида баробар кўради, магар хотини ва Ҳақ таоло ҳаром қилган нарсаларни раво кўрмайди.

Йигирма еттинчи — мажлисда агар ҳадя келса, агарчи улуғлардан бўлса ҳам «Ҳадя ўртададур» ҳукми билан аҳли суҳбатнинг барчаларини унга шерик қилади ва ўзи билан мулозим кишиларга ҳам ҳисса сақлайди, агар ғойиб бўлсалар.

Йигирма саккизинчи — агар содир бўлса, биродарларнинг адашувини афв қилади ва уларнинг айбини юзига солиб, узрга қўймайди.

Йигирма тўққизинчи — агар биродари фисққа мубтало бўлса, тавба қилгунча хилватда насихат қилади.

Ўттизинчи — агар ҳамнишинидан бир ёмон иш ё қабиҳ бир феъл маълум бўлса, уни йўқотишга ҳаракат қилади.

Ўттиз биринчи — азизларнинг насихат, ваъзларини диъ ва жон билан қабул қилади.

*Тўртинчи фасл — баъзи аъвоқ ва аҳвол зикрида-ки,  
аҳли суҳбат улардан қочишлари лозимдур,  
у ўн тўрт адабдур*

Аввалги адаб — суҳбатидан кўнгли паришон бўлиб, хотиржамлиги кетадиган бўлса, ундай киши билан суҳбат қилинмайди.

Иккинчи — суҳбатда эснамайди, имкон даражада уни дафига ҳаракат қилинади, шу тариқада-ки, юқори тишлар билан қўйи лаб маҳкам тишланади, бас, агар бу билан даф бўлмаса, хоҳ намозда ва хоҳ намоздан ташқарида бўлсин чап қўли ё енгини оғизга қўйилади.

Учинчи — суҳбатда пинакка кетилмайди.

Тўртинчи — мажлисда ўзини ўзгалардан яхши кўрсатишга тиришмайди, китоб ўқиш ва масала айтишда шарафли нисбатини имкон даражада мажлис аҳлидан бекитиб, эҳтиёт қилади, башартики мутолаага ис-

теъдоди бўлса. Агар унга истеъдоди бўлмаса, бир нав ишга машғул бўлиб, ўзини кўрсатмайди.

Бешинчи — бир киши сўзлаб турган вақтда то сўзини тамом қилмагунча сўзланмайди.

Олтинчи — суҳбатда сукутни ҳам ортиқча сақланмайди-ки, ҳатто бир кун тамом сукутда ўтириш макруҳ ва зулмдур.

Еттинчи — улуғлар айтадилар-ки, сўзловчининг тили кўнглига ноиб бўлгандагина сўзлаши жоиз бўлади, шунда ҳам кўп сўзланмайди.

Саккизинчи — сўзлашда фасоҳат ва балоғат изҳор қилиш учун такаллуф қилинмайди. Лекин сўзлаган ҳолатда ўнг қўлини кўрсатиб бармоқ билан ишора қилиш, чап қўлни кўксига уриш одобдан эмас.

Тўққизинчи — сўзловчи ўз ҳол ва даражасидан билад сўзлардан сўзламайди.

Ўнинчи — ҳамсуҳбатлар билан жангу жадал қилинмайди, агар фикс ё бидъатлардан қайтариш мушоҳадаси бўлса, тортишса жоиз. Билиш керакки, вақтики бир дунёвий буйруқ сабаби билан жудолик қилинса, ҳеч киши мусулмон биродаридан уч кундан зиёда жудо бўлиб юриши дуруст эмас. Аммо ота фарзандидан, устоз шогирдидан, эр хотинидан ҳикмат мулоҳазасида уч кундан зиёда ҳам жудолик қилишлари мумкинди-ки, унинг меъёри йўқдир. Ва яна мақсуд йўлидаги киши жаҳл келган чоғда имкон даражада ғазаб ўтини ўчириши лозимдур.

Ўн биринчи — биродарларга кўп хушомад қилинмайди...

Ўн иккинчи — ҳамсуҳбатларига кўп мазах ва мутойиба қилинмайди, ўз ҳаддида иш тугилади. Гоҳо ҳозирларни рост сўзлар билан кулдирилса, зарари йўқ.



Ва тилини чиқариш билан болаларни хушхол қилса жоиздур.

Ўн учинчи — ҳеч кимни ғийбат қилинмайди, ғийбатга қулоқ солинмайди ҳам-ки, ҳаромдур. Ғийбат деб бир кишининг орқасидан унинг кўнглини чўктирадиган нарса билан сўзлашга айтилади. Аммо олти ҳолда ғийбат мумкин. Аввали — мазлум золимдан подшоҳга арз қилса. Иккинчи — тазъирига қодир киши ёмон иш қилган кишининг орқасидан сўзлаши. Учинчи — ҳукм қилувчи муфтига менга фалон одам бундай-бундай зулм қилди, шаръий ҳукми нима бўлади, деб. Тўртинчи — ёмонларнинг ёмонлигидан яхшиларни огоҳ қилиш учун. Бешинчи — ҳеч нарсадан номус қилмай, фисқ ва бидъатни ошкор қиладиган бидъатчи ва фосиқнинг орқасидан. Олтинчи — бир кишининг ёмон лақаби бўлса, чунончи, «ғилай», «шилпиқ», «бир кўзли», «кўр», «кар», «чўлоқ» ва шунга ўхшаш, бу каби лақаблар билан машҳур бўлса, уни танитиш учун лақаблари билан айтилса жоиздур. Аммо айбини ошкор қилиш ва нуқсон учун ҳаромдур.

Ўн тўртинчи — мажлисда икки киши бир-бирининг қулоғига шивирлаб пинҳона сўзлашмайди, яна мажлис аҳлининг баъзиси биладиган ва баъзилари билмайдиган тил билан ҳам сўзлашилмайди-ки, бу хислат макруҳдур. Магар зиёфат қилувчи таом тартиби учун ходимига ё ходими унга яширин ва ишорат билан сўзласа жоиздур. Икки киши бир-бирига сир ва ниманидир айтадиган бўлса, учинчига адаб шуки, улар ўртасига кириб гапга қулоқ солинмайди.

## ТЎРТИНЧИ БОБ

### ЭРУ ХОТИН ВА ҲАММОМ ОДОБЛАРИ БАЁНИДА-КИ, ТЎРТ ФАСЛДУР

*Аввалги фасл — эрини хотинга қиладиган одоблари  
баёнида-ки, ўн адабдур*

Аввалги адаб — уйланмоқчи бўлган кимса солиҳа ва эр кўрмаган хотинни олади. Имом Шофетий мазҳабларида никоҳдан илгари хотинни бир назар кўриш мустаҳабдур. Хотин тўрт нарсада эрдан паст ва тўрт нарсада эрдан баланд бўлади. Умрда, қоматда, молда, насабда паст бўлади. Аммо жамолда, чиройли хулқда, адабда, ифбатда баланд бўлади.

Иккинчи — олти турли хотинни олинмайди. Аввал пуштсиз, яъни бола туғмайдиган. Иккинчи — илгариги эрининг фарзандларига ва яна ўз хешларига сўнгги эрининг молини барбод қилувчи бўлса. Учинчи — ҳамиша эрига ўз мулки ва насаби билан миннат қилувчи хотинга. Тўртинчи — илгариги эрдан кўрган роҳатларини йўқотганига нола ва фарёд қилувчи хотинга. Бешинчи — нопоклиги ва ёмон атворлари жиҳатидан ҳар кимнинг ва эрининг орқасидан сўзлагувчи хотинга. Олтинчи — кўринишда тару тоза ва манзиратли, аммо асли нопок бўлган хотинга. Ундай хотин ёмон одатли ва бадфетъл бўлади ҳамда тўда тезак устида унган майсага ўхшайди.

Учинчи — эр хотинга яхши муомала қилади. Юзини очиқ тутади, мурувват ва саховат кўрсатади, беҳуда ғазаб қилмайди.

Тўртинчи — агар хотин тезлик ва қўполлик қилса ҳам у билан имкон қадар келишади, ёрдам ва ҳикмат

билан муомалада бўлади, хотиннинг жафосига сабр қилинади.

Бешинчи — аёл ва тобеларига ҳалол молдан нафақани бемалол, кенг тутади. Агар баногоҳ зарурият жиҳатидан шубҳадор молга гирифтор ва мубтало бўлса, ҳалол молни таомга, шубҳадорини либосга сарф қилади.

Олтинчи — чиройли хулқни ўрнига қўйишлик ҳамда мулойим таъб билан хотиннинг ҳавойи нафсига кўп ҳам тобе бўлмайди.

Еттинчи — аҳли аёл борасида ғайратли бўлади. Ва ғайратнинг шарти шудир-ки, номаҳрамни ҳарамига киришига рози бўлмайди...

Саккизинчи — хотин такаббурчилик қиладиган бўлса ё эрни тоқати йўқ нарсага таклиф этса, унга адаб берилади. Адаб шуки, аввал насихат қилинади. Агар фойда бермаса, бир ойгача жойига ётмайди. Ҳар вақтки ўнгланса, гуноҳини афв қилиб, яна илгаригидек шафқат ва марҳаматда бўлинади...

*Иккинчи фасл — хотиннинг эрига қиладиган одоблари баёнида-ки, етти адабдур*

Аввалги адаб — хотин эридан изнсиз ҳеч жойга бормайди, ҳеч кимни уйига келтирмайди, эрининг молини беизн сарф қилмайди.

Иккинчи — уйда хотинларга тааллуқли хизматларни интизом билан бажаради.

Учинчи — эри шод бўлса шод, ғамгин бўлса, ғамгин бўлади.

Тўртинчи — эрининг топганига қаноат қилади...

Бешинчи — эрига мувофиқотчилик қилади.

Олтинчи — эри ўлса мотам тутади...

*Учинчи фасл — ҳаммомга кяриш одоб  
баёнида-ки, унда етти адаб бордур*

Аввалги адаб — ҳаммомда ҳар нечук лунги ва тос келтирилса қабул қилинади, қайси ходим хизмат учун келса қайтарилмайди.

Иккинчи — хоҳ ҳаммом холи бўлсин ва хоҳ бўлма-син сув қуйишда, киндик ости мўйини тозалашдан бошқа ҳолатда авратини тамом очмайди. Ва яна ўзганинг авратига ҳам назар қилмайди. Бесоқол ходимларга ўзини уқалатмайди.

Учинчи — сув исроф қилинмайди, бошдан сув қуйишда ўтирган кишиларга сачратмай эҳтиёт қилинади.

Тўртинчи — тиқилинч вақтда сув олиш учун кишиларни туртиб ва озор бериб сув бошига борилмайди.

Бешинчи — сувни на кўп-кўп, на оз-оз эмас, балки ўртача қуйилади.

Олтинчи — ҳаммомдан чиқиш вақтида ҳар қайси лунги ва ёпинчиқ келтирилса қабул қилинади. Ўзини пок, ўзгаларни нопок тасаввур қилиб ишлатилган лунгиларни қайтармайди.

Еттинчи — ҳаммом хизматчиларига ҳақларини тўла адо қилади. Ҳаммомдан чиққанидан сўнг унинг ёру биродарларига одоб шудур-ки, унга рўпара келсалар «Ҳаммоминг ёқимли бўлсин, Худо сени пок қилсин!» дейилади ё шунга ўхшаш дуо қилинади.

## БЕШИНЧИ БОБ

КАСАЛ КЎРИШ, ТАЪЗИЯ, АҲЛИ МУСИБАТНИНГ БАЁНИДА-  
КИ, ТЎРТ ФАСЛДУР

*Аввалги фасл — касалнинг ҳолини сўраш одоблари  
баёнида-ки, унда етти адаб бордур*

Аввалги адаб — опнолардан ҳар қайси кишини хоҳ кўз оғриғи, хоҳ тиш оғриғи, хоҳ чипқон, хоҳ булардан ўзга бўлсин, бориб ҳолини сўралади. Ҳол сўрашни бир нав касалга махсус қилинмайди.

Иккинчи — касал гарчи кофир бўлса ҳам ҳол сўраш жоиздур...

Учинчи — касалнинг олдига кирилган вақтда юзни очиқ тутиб кўнгилхушлик, улфатчилик ва шафқат билан мулоқот қилинади. Яна янги ва кир либос билан кирилмайди. Кулиб кириб бош томонга ўтирилади, касалнинг юзига тез-тез қаралмайди ва кўп ҳамда қаттиқ ҳам сўзланмайди. Қўл пешонага ё қўлга ё юзга қўйилиб ҳол «Кундузи қайси ҳолдасиз? Кечасичи!?» тариқасида сўралади. Касалдан ҳол сўрагани бир кун келиб, икки кун келинмайди.

Тўртинчи — «Кўнглингиз нима тилайди?» деб сўралади. Агар бемор кўнгли тилаган нарсани айтса ва унга зарар қиладиган бўлмаса, хоҳ ўзи ва хоҳ унинг аҳлига топиб беришга амр қилинади, агар касалнинг давосини билса, башартики ҳаром нарсалардан бўлмаса, яъни хамр, қурбақа ва шунга ўхшаш нарсалардан бўлмаса айтилади.

Бешинчи — беморнинг олдида кўп ўтирилмайди, агар касалнинг ўзи ўтиришни айтса, унинг розилиги учун бир оз ўтирилади. Лекин вақти хуш бўладиган сўзлардан ва ҳикоялардан сўзлаб ўтирилади. Эй азиз, билгинки, касалнинг ҳолини сўраш миқдори ҳайвондан суг соғиб олиш миқдоричадур...

*Иккинчи фасл — беморнинг ўзига хос одоблари баёнида-ки, унда ҳам етти адаб бордур*

Адаби аввал — бемор шикоят ё бошқа сабабдан эмас, суннат жиҳатидан бошини бир нарса билан боғлаб баъзи аламлар енгил бўлиши учун гоҳ-гоҳ нола қилади. Ва бош оғриғи бўлса «Вой бошим» дейиш суннатдур.

Иккинчи — бемор дарду алам пайдо бўлган вақтда ўзига ўлим тиламай, шукрона келтиради.

Учинчи — бемор гуноҳлардан тавба қилади, яхши гумон билан бўлади, кишиларнинг ҳаққи бўлса адо қилади, ошна ва ҳамсуҳбатларнинг барчасидан розилик сўрайди, хотима хайрли бўлади деган умидда туради.

Тўртинчи — менга сизлар ундай кафан қиласизлар ва фалон жойга кўмасизлар, деб васият қилса дуруст ва жоиздур.

Бешинчи — тобелари, қариндош ва фарзандларига мусибатга сабр қиласизлар деб васият қилади...

*Учинчи фасл — мусибат аҳли баёнида-ки, унда етти адаб бордур*

Аввалги адаб — агар бир киши мўъмин биродарининг вафотини эшитса, «Инна лиллаҳи ва инна илайҳил рожеъун — биз Аллоҳникимиз ва албатта унга қайтамыз», деб айтади.

Иккинчи — аҳли мусибатга хоҳ дафндан олдин, хоҳ дафндан сўнг таъзия билдирилади. Имом Муҳаммад фикрларича, таъзия то уч кунгача жоиздур, ундан сўнг макруҳдур.

Учинчи — тобут билан ҳамроҳ кишиларга сукут вожибдур, у ҳолда зикр ва фикрга машғул бўлишлик мустаҳабдур. Хотинлар тобут билан эргашиб чиқмайдилар-ки, макруҳдур...

Тўртинчи — йиғлашда мусибат аҳли овоз кўтармайдилар-ки, ҳаромдур.

Еттинчи — ўликни кўмгандан сўнг ҳар ким ўз ишига кетади. Майит учун бир ерда йиғилиб ўтириш макруҳдур. Имом Мажиддин Ферузободий «Сирот ал-мустақим» деган китобида айтибди-ки, дафндан сўнг хоҳ қабрнинг бошида ё ўзга жойда жаъм бўлиб ўтиришлик, Қуръон ўқишлик, хатми сура қилишлик бидъатдур. Аммо мусибат аҳлига таом пишириб юборишлик мустаҳабдур. Шунингдек, қабрнинг устини пишиқ гишт, тош каби нарсалар билан қубба ва иморат қилишлик, чироқ ёқишлик, барчаси бидъатдур.

*Тўртинчи фасл — қабрлар зиёрати баъъида-ки, унда етти адаб бордур*

Адаби аввал — эркакларга қабристонни кўп зиёрат қилиш мустаҳабдур. Агар киши ота ва онасининг гўрларини ҳамиша зиёрат қилиб турса, ўлгандан сўнг унинг гўрини фаришталар зиёрат қиладилар. Ва хотинлар ҳам қабрлар зиёратидан қайтарилмайди...

Иккинчи — гўристон устига отлиқ чиқилмайди, гўрлар иззат қилинади. Агар заруратан гўристон устидан пиёда юрмоқчи бўлган одам оёқ кийимини қўлига олиши зарур. Ва гўристонда ҳеч қандай қабр устига ўтирилмайди, орқасини қабрга қўйиб гўрга суянилмайди.

Учинчи — хотинлар эрларидан изн сўраб, изн берилса уйларидан чиқиб қабр зиёратига борадилар, кам борадилар...

Тўртинчи — ота, она, қариндош ё ўзгаларнинг қабрлари устида сукут сақлаб ўтиришни доим ихтиёр қилинмайди-ки, бу жоҳилият одатларидандур.

## ОЛТИНЧИ БОБ

### ЗИЁФАТ ВА ЕБ-ИЧИШ БАЁНИДА-КИ, ТЎРТ ФАСЛДУР

*Биринчи фасл — меҳмондорчиликнинг одоби  
баёнида-ки, ҳаммаси ўн адабдур*

Адаби аввал — фақирлар меҳмон қилинади. Бойларни меҳмонга махсус чақирилмайди-ки, пайғамбар алайҳиссалом, «Ёмон таомдур у таом-ки, бойларни хос чақириб берилса ва қашшоқларни чақирилмаса», деб айтибдурлар. Яна бир шарт шуки, бир уйдан отасини чақирса, боласини ҳам чақирсин ё у уйдан чақирилган кишининг яқин қариндоши бўлса, уни ҳам қўшиб чақирилсин, уни маҳрум қилинмасин-ки, бу иш жафодур.

Иккинчи — меҳмонни кўп икром ва эҳтиром қилинади, меҳмон икромининг муддати уч кунгачадир, тўртинчи куни кўп такаллуф қилинмаса ҳам бўлади.

Учинчи — уйнинг деворларини меҳмон учун парда ва палос билан ясатилмайди-ки, макрухдур. Лекин меҳмон остига нақшли тўшақлар ёзсалар, башарти ипак ва йиртқич ҳайвон териси бўлмаса, жоиздур.

Тўртинчи — меҳмонга таомни кўп кечиктирилмай тез келтирилади. Дастурхонга нон тоқ қўйилади. Яна нон юмалоқлиги катта-катта қилинмайди-ки, мутакаббирлар расмидур. Ва яна дастурхон устига ҳозирларга кифоя қилгудек нон қўйилади, зиёда қўйилмайди-ки, исроф ва хорлаш бўлади. Синдирилган нон бўлса, яна бир нон синдирилмайди, бу ҳам исроф ва хорлашга киради.

Бешинчи — меҳмонга таом қўйилгандан сўнг тановулига изн берилади. Башарти меҳмон бегона бўлса,



мустаҳаб шуки, аввал уй эгаси таомга қўл узатади, яна қўлини ҳаммадан охир тортади. Агар ўз ошно ва биродарлари бўлса, аввал уларни ҳурмат қилади, улардан илгари қўл узатмайди...

Олтинчи — меҳмонни таомга ҳаддан ортиқ тарғиб қилинмайди, балки уч мартагача тарғиб қилинади, ундан зиёда зўрланмайди.

Еттинчи — таом ейишда меҳмонга шерикчилик қилади, агарчи нафл рўзага ният қилган бўлса ҳам.

Саккизинчи — лаззатли ва латиф таом меҳмонга едирилади ва мундайроғини ўзи ейди. Агар таом оз бўлса ва меҳмоннинг очлигини англаса, ўзи камроқ еб, аксар таомни меҳмонга едиради. Меҳмон таомланиб бўлгач кетмоқчи бўлса, келган вақтда олдига чиққандай ижозат бериб, то эшиккача бирга кузатади. Меҳмондан жудо бўлганда «Мени ҳурмат қилибсизлар, сизларни Аллоҳ сийласин!» деб дуо қилинади.

Тўққизинчи — уйда нима нарса бор бўлса, меҳмоннинг олдига қўйилади.

Ўнинчи — таомда такаллуф қилинмайди, агар яхши ният ва дуруст қасд билан такаллуф қилинса мумкин.

*Иккинчи фасл — меҳмоннинг хона эгасига қиладиган одоблари баёнла-ки, у ҳам ўн адабдур*

Адаби аввал — хусусан яхши ва фақир киши, гарчи қўйнинг бир почасига чақирса ҳам қабул қилиб албатта борилади.

Иккинчи — билгилки, никоҳ учун қилинган таомга чақирсалар рўзадор бўлса ҳам қабул қилинади-ки, баъзи уламолар буни вожиб дейдилар ва баъзи уламолар

Ўзга чорловга ўхшаш мустаҳаб дейдилар, бас, агар ки-мики шаръий узр билан бормаса, гуноҳкор бўлмайди.

Учинчи — агар таомга золим, фосиқ, риёкор, бидъат-чилар чақирсалар бормагай-ки, мустаҳабдур.

Тўртинчи — чақирмасдан бир кишининг таоми ус-тига борилмайди, агар икки киши чақирган бўлса, қай-синиси яқинроқ қўшнилардан бўлса, аввал ўшанга бо-рилади. Икки яқин қўшни баробар чақирган бўлса, қайсинисининг ошнолиги кўпроқ бўлса аввал шунга борилади. Ва яна шуки, таом эгасининг изнисиз чақи-рилмаган кишини қўшиб олиб борилмайди-ки, мак-руҳдур, агар чақирилган кишининг орқасидан ўзи қўши-либ борса, таом эгасининг эшигига келганда, бу киши ўзи келди, агар изн бўлса кирсин, бўлмаса қайтсин деб айтилади.

Бешинчи — меҳмон бўлган жойида кишилар ора-сида ҳирс ва ёқимсизлик билан таом емаслик учун меҳмон ўз уйида бир оз таомланиб боргани яхши.

Олтинчи — уй эгаси қаерни кўрсатса, ўша жойга ўтиради, ҳар нима келтирса тановул қилади, кўзини ҳар қаерга қарашдан сақлайди, на таом жиҳатидан ва на ўзга важҳдан уй эгасига ҳукм қилмайди, агар бир-бирлари билан илгаридан сирдош бўлсалар, ҳукм қилса бўлади.

Еттинчи — ходимга ва ошпазга жоиз бўлса ҳам биродарлик шундай-ки, меҳмонлар бир-бирларига луқма бермайдилар. Ва гадо, ит, мушукнинг ҳукми ҳам шун-дай.

Саккизинчи — таом эгасининг изнисиз насиба кў-тарилмайди, таом олиб кетиш учун эмас, ейиш учун қўйилади.

Тўққизинчи — дастурхон йиғиштирилгандан кейин, таом эгасини хайрли дуо қилинади.

Ўнинчи — таомдан сўнг «Овқат еб бўлдингларми, тарқалинглар» ҳукмига биноан кўп сўзлашиб ўтирмай, кетишга ижозат сўралади, беижозат ва ҳам берухсат кетилмайди.

*Учинчи фасл — ейиш ва ичишнинг одоблари  
баёнида-ки, унда ўттиз адаб бордур*

Адаби аввал--таомни кам ейилади. Ва дуруст очлик юз бермаса таом ейилмайди ва яна таомни таъбида бир оз очлик қолдириб ейилади.

Иккинчи — агар зарурат жиҳатидан шубҳали таомга мубтало бўлса, ўзини сақлаб, кўнглида пушаймон бўлиб, имкон даражада оз ейди. Шубҳали таом шуки, фосиқникими-золимникими зоҳирдан билиб бўлмайди.

Учинчи — ўз нафси учун ходимларининг таомидан ўзга ўзига махсус лазиз таом тайёрлатмайди, балки фақирона емишларга такаллуфсиз қаноат қилади.

Тўртинчи — агар хуш ва лазиз таом бетакаллуф ҳозир бўлса, суннатга мувофиқ у тановул қилинади. Лекин гўшт доим ейилмайди. Ва тарк ҳам қилинмайди. Қирқ кун туташ ҳам тарк қилинмайди.

Бешинчи — неча нарса бор-ки, тановулида уларни бирининг устига бирини жаъм қилинмайди-ки, суннатга хилофдур ва зарарлидир: балиқ билан сўтни, сўт билан нордон нарсани, сўт билан тухумни, яна сўт билан гўштни, қовурилган гўшт билан қайнатилган гўштни, эски гўшт билан янги гўштни, икки иссиқлик нарсани, икки совуқлик нарсани, икки мулојим ва юмшоқ нарсани, икки қаттиқ нарсани, икки қотирувчи

ва икки сурувчини, яна бири қотирувчи ва бири сурув-  
чини, тез хазм бўладиган емиш билан узоқ хазм бўла-  
диган емишни. Ислик таом ҳам ейилмайди-ки, суннат-  
га хилофдур. Ва ҳам хом пиёз ва саримсоқ ҳам ейил-  
майди...

Еттинчи — таом ўтириб ейилади. Эй дарвеш, бил-  
гилки, бу бобда уч хил ўтиришлик суннатдур. Аввали  
шулки, икки тиззани букиб ўтирилади. Лекин юзтубан  
тушганга ўхшаш қоринни тиззага етказилмайди. Ик-  
кинчи-ўнг тиззани кўтариб, чап оёқ букиб ўтирилади.  
Учинчи — икки тиззани кўтариб қоринга ёпиштириб  
ўтирилади...

Саккизинчи--таом дастурхон устига қўйиб ейилади.  
Оёғи баланд хон устига таом қўйиб ейишлик макруҳ-  
дур. Агар хон оёғи ердан кўп юқори бўлмаса, унинг  
устига таом қўйиб ейилса жоиздур. Эй дарвеш, билгил-  
ки, хон устига таом қўйиб ейиш подшоҳлар феълидур.  
Дастурхонда таом ейиш ажамлар феълидур. Суфрада  
таомланиш араблар феълидур...

Ўнинчи — улуғлар таомга қўл узатмагунча мажлис  
аҳли қўл узатмайди. Мажлисда агар ўзи улуғ киши  
бўлса, бошқаларни мунтазир қилмай, таомга тезроқ қўл  
узатади.

Ўн биринчи — таомланишни туз билан бошлаб, охир-  
да ҳам туз билан хотималанади.

Ўн иккинчи — тановулда огоҳлик билан еб-ичила-  
ди...

Ўн учинчи — еб-ичиш ўнг қўлда бажарилади. Ва  
яна уч бармоқ: бош бармоқ, кўрсаткич бармоқ, ўрта  
бармоқ билан таом ейилса, суннатга мувофиқдур. Гоҳо  
тўртинчи бармоқни ҳам қўшса жоиздур. Икки бармоқ  
билан таом ейиш маън этилгандур.

Ўн тўртинчи — таомни ўз олдидан олади. Аммо меваларни ҳар қайси тарафдан олса бўлади.

Ўн бешинчи — нонни икки қўл билан синдирилиб, бўлаклари икром қилинади, гарчи емоқчи бўлса ҳам, қўл ёғи нонга суртилмайди. Оғиздан ё қўлдан тушган нон ушоғи ё ўзга донлар такаббурлик ва худпараслик билан ташланмай, дарҳол териб ейилади-ки, унда хосият кўйдур.

Ўн олтинчи — таомланиш вақтида, агарчи оч бўлса ҳам тез-тез ва шитоб ейиш кўнгилнинг қотиши, кўрлиги, ўлишига боис бўлади.

Ўн еттинчи — луқмани катта ҳам, кичик ҳам эмас, ўртача олинади ва оғиздаги луқма яхши чайналиб, оҳиста ютилади. Таомга оғиз андозадан зиёда очилмайди. Таомни ўнг тараф тишлари билан чайнаш суннатдур. Агар ўнг тарафда тиш оғриғи ё ўзга узри бўлса, чап тарафда чайнаса ҳам бўлади. Оғиздаги таом ютилмагунча таомга қайта қўл узатилмайди. Тишланган таом яна таом идишига қўйилмайди. Агар таом иссиқ бўлса, бир оз кутуб турилади, таомлик қўл косага ва товоққа силкитилмайди. Ёғлиқ луқма ва ё гўшт парчаси сиркага ўхшашга ботириб олинмай, балки агар қуруқ луқма сиркага ботириб, гўшт ўшанинг устига қўйиб ейилади. Иликни қоқиш учун суякни куч билан ноннинг орқасига ё юзига, ё товоқ лабига, ё дастурхонга урилмайди.

Ўн саккизинчи — таом устида бошдан охиргача хомуш ўтириш маън қилинган, макрухдур. Яна ҳар хил одамлар, ҳайвонлар ҳақида даҳшатли ва ёқимсиз сўз ҳам дейилмайди-ки, бу каби сўзлар ҳам макрухдур. Ва ҳеч қандай таом камситилмайди.

Ўн тўққизинчи — агар имкон бўлса, таом танҳо ейилмайди. Негаки, кўп қўл узатилган таом баракали таомдур.

Йигирманчи — суҳбат аҳлига то суҳбат тугагунга қадар иттифоқчилик қилинади. Ва агар яна зарурат бўлмаса, дастурхон йиғилмасдан илгари жойдан турилмайди.

Йигирма биринчи — агар таом устида мохов, пес, қўтир каби дардга мубтало кишилар ҳамроҳ бўлиб қолса, таваккал аҳлларидан бўлса, улардан парҳез қилмайди, агар таваккал аҳли бўлмаса, парҳез қилган яхшидур. Уларга аралашш ҳукми шундай.

Йигирма иккинчи — яхшироқ таом ҳамкоса ва ҳамроҳига қўйилади-ки, буни иному эҳсон дейилиб, савоби кўпдур.

Йигирма учинчи — агар гўшт яхши пишган бўлса, суннат ушбу-ки, қўл билан майда-майда қилинади, пичоқ ишлатилмайди.

Йигирма тўртинчи — доналаб саналадиган емишларда тоқ саноқ риоя қилинади, чунончи, хурмо, анжир, чучвара бўлса бир ё уч, ё егтита олиб ейилади, хуллас, тоқ адад ихтиёр қилинади. Қошиқ билан таом ейишда ҳам тоқ ададни риоя қилинса, яхшироқдур. Икки киши бир товоқда шерик бўлсалар, қошиқ билан навбат-банавбат ош ичсалар, ҳар қайсилари бир қошиқдан ё уч қошиқдан ичадилар, агар танҳо бўлса, ичишни тоқ билан тугатади. Яна қошиқни тўлдириб ичилмайди-ки, ҳирсу очкўзлик аломатидур. Ва оз ҳам ичилмайди-ки, ўзни катта олиш ва кибр аломатидур, балки ўргача олинади. Яна қошиқдан шўрва ё ош дастурхонга, либосга томмаслиги учун эҳтиёт қилинади. Ва яна қошиқдаги ярми ичилган ошнинг қолганини косага қайта-

рилмайди. Ва қошиқ билан ичишда тўрт оёқлиларга ўхшаб оғзини косадаги ошга кўп яқин келтирилмайди. Яна қошиқ учун оғзини кўп катта очмайди. Яна қошиқ оғиз ичига элтилмайди. Яна қошиқ билан ичишда оғиздан нохуш овоз чиқарилмайди. Ва қошиқ товоқ четига қаттиқ қўйилмайди. Ва яна қошиқ товоққа тўнкариб қўйилади-ки, агар таом қатралари қолган бўлса, унга томмасин.

Йигирма бешинчи — таомнинг идиши ва бармоқлар яланмасдан қўл ювилмайди. Қўлни дастурхонга артилмайди-ки, макруҳдур. Бармоқларни ялашда аввал ўрта бармоқни, ундан сўнг бош бармоқни, кейин бош бармоқ ёнидаги бармоқни яланади.

Йигирма олтинчи — агар киши пўстлик ва доналик меваларни емоқчи бўлса, адаб шудур-ки, унинг пўчоқлари мевали идишга қўйилмай, балки узоқ ерга ташланади. Агар мажлис танг бўлса, узоққа ташлашга имкон топмаса, уларни рўмолга ё бирон нарсага ўраб сақлайди, мажлис аҳлининг кўзидан пинҳон тутади. Агар рўмолчаси бўлмаса, чап қўлида сақлайди ҳамда фурсат топганда чап тарафидаги холи ерга ташлайди. Ва ташлашда эҳтиёт қилинади-ки, оёқ кийимларининг ичига тушмасин.

Йигирма еттинчи — янги мевага етишган чоғда дуойи баракат қилинади, кейин кичик бир болани чорлаб унинг қўлига берилади. Ва яна ривоятда келишича, янги мевага етишган вақтда кўзга суртиб ўпилади-ки, бу феъл суннатдур.

Йигирма саккизинчи — таомдан сўнг тишни хилол чўп билан кавланади. Эй дарвеш, билгилки, тишдан тил билан чиқарган таомни ейиш макруҳ эмас, аммо хилол билан чиқарганни ейиш макруҳдур. Ва тиш-

нинг ораси кўп кавланмайди, токи тишнинг гўшгига зарар етмасин. Ва ходимга хилолнинг тақсимида адаб шуки, хилолнинг учини ўрта бармоқ билан жимжилоқнинг ёнидаги бармоқ орасидан чиқариб бошқаларга тугилади. Хилол олувчи ўнг қўлининг орқаси билан унинг бармоғи орасидан олади ва дуо қилади...

Йигирма тўққизинчи — қўл таомдан илгари ҳам, сўнг ҳам ювилади. Таомдан илгари икки тиззаси билан ўтириб икки билагини тиззаларининг ўртасига қўйиб, сўнг икки қўлининг учини бўғимгача чилобчин ичига ювилади, сув қатралари тўшак ва либосга сачрамасин учун ювган қўл силкитилмайди. Ювилган қўл ишлатилган нарсага артилмайди, балки, агар хоҳласа, кийимининг қўлтиғи тагига суртади. Ва таомдан сўнг аҳли мажлисдан баъзиларининг хотирлари ижирғанмаслиги учун қўл ювганда оғзини чилобчинга чайқамайди. Қўл ювилгандан сўнг тоза сочиққа артилиб, ходимни хайрли дуо қилинади. «Шаръат ал-ислом»да келтирилишича, ходимга адаб шуки, таомдан илгари чилобчинни аввал ўнг қўл тарафга, аҳли мажлиснинг кичикларининг олдига қўйиб, қўл ювдирилади ва ўнг тарафдан бошлаб таом аҳли мажлиснинг қўлига сув қўйилади. Таомдан сўнг эса, аввал аҳли мажлиснинг улуғлари қўлига сув қўйилади, сўнг тартиб билан ўнг тарафга юрилади. Ва яна адаб шуки, аҳли мажлиснинг барчаларининг қўлларини ювдирилгандан сўнг чилобчин холи қилинади, ўртада бўшатилмайди, магар идиш тўлган бўлса зарурат учунгина ўртада холи қилиш мумкин. Ва яна бир адаб шуки, қатралар ўринга ё бир кишининг либосига сачрамасин учун сувни эҳ-



тиёт қилиб қуйилади. Ва яна ҳар қайси кишига уч борадан сув қуйилади, аввал озроқ, иккинчида ундан кўпроқ, учинчида узулмай сув қуйилади.

Ўттинчи — таом еб бўлингач, ҳамд айтилади, сўнг таом эгасини дуо қилинади. Агар аҳли мажлисда бошлиқ улуғ киши бўлса, ўша киши дуо қилади, агар улуғ киши бўлмаса, ходим дуо қилади.

*Тўртинчи фасл — сув ичиш одоби баёнида-ки,  
унда ўн бир адаб бордур*

Адаби аввал — сувни ўтириб ичилади, агар ноқулайлик бўлса, туриб ичса ҳам бўлади.

Иккинчи — баъзи сув, чунончи, замзам суви ва таҳоратдан қолган сув, меш суви туриб ичилади.

Учинчи — сувни уч навбат нафас олиб, ҳар нафасда косани оғзидан жудо қилиб ичилади. Аввалда бир хўплам, иккинчи нафасда уч хўплам, учинчи нафасда беш хўплам ичилади, сувни бирданига симириш макруҳдур.

Тўртинчи — сувга нафас урилмайди...

Олтинчи — ичмасдан илгари хас ё ўзга нарсалар тушган бўлмасин учун идишдаги сувни яхшилаб текширилади. Яна ичган вақтда унинг қатралари ўринга ё либосга томмаслиги учун эҳтиёт қилинади. Агар қоронғи кеча бўлса, идиш лабига юпқа латтадан парда тутиб ичилади. Ҳазрат ибн Аббос хас-хашак ва ўзга нарсалар яхши кўрингани учун шиша идишдан сув ичишни дўст тутар эдилар.

Еттинчи — оғзи ва қўли ёғлиқ бўлса, у билан кўза ё обдастанинг дастаси ушланмайди, агар заруратдан

ушланмоқчи бўлинса, жимжилоқ ва номсиз бармоқ билан ушланади, агар дастаси бўлмаса, аввал қўлини ва оғзини артиб тозалаб, ундан сўнг сув ичилади.

Саккизинчи — кўза ва косанинг синган жойидан сув ичилмайди-ки, унда чирклар жаъм бўлади. Чоҳор-поларга ўхшаш бошини сувга етказиб ичиш ҳам макруҳдур. Ва сув билан зарар қилувчи нарса ичига кетиши аҳтимоли ҳам бор.

Тўққизинчи — башарти-ки ўзи соқий бўлса суннатдур ва сабаби кўпдир-ки, шарбат ё совуқ сувни вужудининг ҳожати ва рағбати учун тамом ўзи ичмасдан бошқаларга беради-ки, буни инъом-аҳсон ҳам дерлар.

Ўнинчи — ўзи сув ичганидан сўнг, гарчи чап ёнида улуғ киши бўлса ҳам ўнг ёнидаги кишига узатади.

Ўн биринчи — сув бергувчи соқийни дуо қилинади.

## ЕТТИНЧИ БОБ

### САФАРНИНГ ОДОБИ ВА УНГА ТААЛЛУҚЛИ НАРСАЛАР- НИНГ БАЁНИДА-КИ, ТЎРТ ФАСЛДУР

*Аввалги фасл — сафар уч қисмдур, бири фарз,  
иккинчиси фазилят, учинчиси мубоҳ*

Фарз сафар беш навдур: аввали, жиҳод учун, иккинчи, фарз ҳаж учун, учинчи, ота ва она чақирсалар бориш учун, тўртинчи, золимнинг зулмини қайтариш учун, бешинчи, илм талаби учун, шарти ўз шаҳрида буларни амалга ошириш мумкин бўлмаса... Аммо фазилят сафарининг тури кўпдур. Аммо мубоҳ сафар икки навдур, аввалгиси, ўзи ва аҳли аёллари нафақаси шояд ундан ҳосил бўлади деган ниятда тижорат учун сафар қилинади. Агар нияти молу дунё орттириш бўлса, бу тижорат сафари унга гуноҳ ва охиратига зарарлидур. Иккинчиси, гоҳ-гоҳ кўнгил ёзиш ва томоша учун сафар қилишлик мумкин, агар одат қилса жоиз эмас. Ва бу сафарларнинг барчаси эрларгадур. Аммо хотинларга ҳамма ҳолда бемахрам сафар қилиш ҳаромдур.

*Иккинчи фасл — сафарнинг фойдалари баёнида*

Ҳазрати Али сафарнинг фойдаларидан беш улуғ фойдани зикр қилади: сафар қилғилки, унда беш фойда бордур. Аввало ғам ва андуҳ кетади. Иккинчи — касб — сармоя ҳосил бўлади. Учинчи — илм олинади. Тўртинчи — одоб ва ахлоқ тўлишади. Бешинчи — улуғлар суҳбати топилади. Бас, агарда сафарда хорлик ва ёлғизлик, дарбадарлик, қаттиқчилик тортиш бор дея савол қилинса, сахий одамга чақимчилар ва ҳасадчилар орасида тирик юришдан бу машаққатлар билан

бўлиш яхшироқдур, деб жавоб айтамыз. Аммо азиз вақтни беҳуда ва бефойда тараддуллар учун зое қилин-маса. Кўнгилни паришонликдан ҳамда танни саргардонликдан сақланади.

*Учинчи фасл — аҳли сафарнинг одоби баённда-ки, йи-гирма тўққиз адабдур*

Адаби аввал — сафар қилувчи сафаридан хайрли ишни қасд қилса ва «Ҳар ишда маслаҳатлашинглар!» ҳукмига биноан холис ва тўғри фикр айтувчи бирон киши билан кенгашилса, тўғри бўлади...

Учинчи — ота ва она, ҳуқуқ эгаларидан рухсат сўралиб, айтиб-деб суннатга мувофиқ кунларда чиқилади. Пайшанба куни яхши, агар шанба ё душанба, чоршанба куни ҳам сафар қилса суннатга мувофиқдур. Ва яна агар кишиларнинг ҳаққи бўлса, уларни адо қилиб чиқилади. Ва яна аёлу қариндош, дўсту ёрлар, қўшнию ошно, ҳуқуқ эгалари билан хайр-хўшлашиб, улардан дуо олиб чиқилади...

Ўн биринчи — узун йўллар ва узоқ манзилларни босиб ўтиш осон бўлсин учун йўлда кечаси кўпроқ юрилади ва бу ишда албатта ғофиллик қилинмагани яхши, кечаси юрганда, агар хоҳласа бир соат тушиб ором олишда суннат шуки, йўл устида кечаси зарар қиладиган жониворлар бўлишлиги учун четроққа тушилади...

Ўн учинчи — агар чалкаш йўллар келиб мақсаднинг йўли қайси экани билинмаса, ўнгга қараб юрилади, ўнг томонда фаришта бор, йўл кўрсатади.

Ўн тўртинчи — ҳеч вақт, хусусан, тунда танҳо сафар қилинмайди, ҳамроҳлари уч кишидан оз бўлмаслиги ҳам зарур.

Ўн бешинчи — агар кўп киши сафарга чиқса, тарқоқ бўлмай, балки бир манзилда жаъм бўлиб, тушганда бир-бирларига яқин тушилади.

Ўн олтинчи — бир жамоа ҳамроҳ бўлиб сафарга чиқса, ўрталаридаги бир тақволи олим кишини, агар ундай киши бўлмаса, ҳимматлироғини ўзларига амир қиладилар. Бу амирга одоб шудурки, ҳамроҳларига мушфиқ ва хизматкор бўлади, улардан ҳеч хизматни аямайди, ўзи ҳукм таҳдидида ўтириб, ўзгаларни ишга буюрмайди.

Ўн еттинчи — йўлда заифу нотавон кишилар ҳамроҳ бўлса, қудрати борлар уларга мадакор бўлиб, йўлда қўйиб кетмай карвонга етказди. Агар улар нотавонликдан йўлда тўхтаб қолсалар, уларни риоя қилиб кутиб турилади, то карвонга ҳамроҳ қилмагунча ташлаб кетилмайди.

Ўн саккизинчи — киракаш рози бўлиши учун маркаб (арава, машина ва ҳ. к. ) га келишилгандан зиёда юк оргилмайди, юкни маркаб эгасининг назарида ортилади. Киракашларнинг қўпол ва ёмон феълларига сабр қилинади. Хулласи калом, ҳар важҳдан шафқат қўлдан берилмайди.

Ўн тўққизинчи — ҳайвонларга юк тоқат даражасида ортилади. Манзилга етганда эса уларнинг устидан юкни олмагунча бошқа ишга унналмайди.

Йигирманчи — сафарга заруратдан зиёда нарса олинмаса, заруратига қаноат қилинса яхши. Баъзи улуғларнинг айтишича, сафарда зарур нарсалардан бири уят жойларини яшириши мумкин кийим-либос, яна бири намоз ўқишга яроқли жойнамоз, яна бири сув олишга яроқли идишдур. Яна бири оёқ ювганда кийиладиган (ковуш, шиппак...) оёқ кийимидур. Яна у билан офатларни даф қилиш мумкин бўладиган учли

узун нарса — таёқ. Бундай нарсада бошқа фойдалар ҳам бор. Агар суннат мулоҳазаси билан яна сақолтароқ, тиш тозалагич, қайчи, игна ва ип олинса жоиздур.

Йигирма биринчи — агар йўловчи бир шаҳарда ўлат ё ўзга фитналар пайдо бўлганини билса, у ерга кирмай ўтади. Агар бир шаҳарга борганидан кейин ўлат пайдо бўлса, қочмайди...

Йигирма олтинчи — сафардан қайтишда аҳлу аёл ва қариндошлар олдига тўсатдан кирмайди-ки, макруҳдур, балки шаҳарга яқин келганда бир кишини илгари юбориб, уларни хабардор қилинади. Яна кундузи вақтда ва асрда кирилса мустаҳабдур, кечаси киришлик макруҳдур...

Йигирма саккизинчи — ҳар қайсиларининг ўз ҳолларига лойиқ нарсалардан аҳлу аёл, авлоду дўстларга туҳфа ва совға олиб келинади. Ва уйида қарорлангандан сўнг кўргани келган кишилар учун таом тартиб берилади.

Йигирма тўққизинчи — шаҳардаги муқим ва ошно кишилар учун келмасидан илгари мусофирнинг олдига пешвоз чиқишлари мустаҳабдур...

*Тўртинчи фасл — бегона-мусофирнинг муқимга ва муқимнинг бегона-мусофирга қиладиган одоби баёнида-ки, барчаси ўн бир адабдур. Булардан тўрттаси мусофирнинг муқимга қиладиган адабларидур*

Адаби аввал — мусофир муқимнинг олдига кирса одоб, ҳурмат ва салом билан кириб қуйироқ жойда ўтиради. Агар муқим уни икром қилиб зикр мажлисига ўтқизса ибo қилмай, ишорат қайси жойга бўлса, ўша ерга ўтиради.

Иккинчи — муқимга эътироз ва таклиф қилинмайди, агар рухсат берилмаган иш бўлса, қаршилиқ кўрсатса бўлади. Муқимни хизматга буюрилмайди. Наф-

си хоҳлаган нарсалар билан уни чалғитилмайди. Дунё ишлари ва ё ўзга нарсалар учун уни подшоҳлар, мансабдорлар ҳузурига зўрлаб олиб борилмайди.

Учинчи — агар муқим унга бир ҳукм қилса, бўйин эгиш ва рағбат билан қабул қилади.

Тўртинчи — муқимга сафар ичида ўтган аҳволидан ҳикоялар айтиб изҳори фазли камол қилмайди.

Муқим одоби мусофир учун етгитадур: аввали--агар мусофир келган бўлса, муқим хоҳ сўфийлик ҳолатида бўлсин ва хоҳ бўлмасин яхши икром қилади...

Иккинчи — муқим мусофирдан қайдан келдингиз, қаерга борасиз ва отингиз нима каби саволларни сўрамайди.

Учинчи — фаросат билан мусофирнинг таби суҳбатдами ё хилватдами эканига қараб иш тутади. Агар суҳбат истаса, такаллуфсиз суҳбатлашади. Агар холи қолиш истаги борлигини сезса, шунга мувофиқ холи манзил муҳайё қилади.

Тўртинчи — сўраб агар мусофирнинг кўнгли ҳаммомни тусаса, ҳаммомга олиб боради ва унинг либоси кир бўлган бўлса ювдиради. Агар қудрати етса, янги либос беради. Буларни нуқсон ҳисобламайди.

Бешинчи — уч кундан сўнг кўнгли мазор ва азизлар зиёратига борми эканини сўрайди ва агар бўлса, шаҳар азизларининг олдиларига ҳамда мазорларга олиб боради, агар кўнгли бўлмаса, эътироз билдирмайди.

Олтинчи — зарарсиз истаклар билдирса, дарҳол ўрнидан туради.

Еттинчи — башарти фирибгар бўлмай яхши ниятли бўлса, суҳбатидан фойда олсин учун унга неча кун турмоқчи бўлса, мусофир муқимнинг суҳбатига ижозат беради.

## МУНДАРИЖА

|   |    |
|---|----|
| Орзу .....  | 3  |
| Муқаддима .....   | 5  |
| Биринчи боб. Изн сўраш ва саломлашиш одоби .....              | 6  |
| Иккинчи боб. Ухлаш, йўл юриш, отга миниш<br>одоблари .....    | 11 |
| Учинчи боб. Сухбат аҳлининг одоби .....                       | 17 |
| Тўртинчи боб. Эру хотин ва ҳаммом одоблари .....              | 26 |
| Бешинчи боб. Касал кўриш, таъзия, аҳли мусибат<br>баёни ..... | 29 |
| Олтинчи боб. Зиёфат ва еб-ичиш одоби .....                    | 32 |
| Еттинчи боб. Сафар одоби .....                                | 43 |

Адабий-бадиий нашр

МУҲАММАД СОДИҚ ҚОШҒАРИЙ

ЯХШИ КИШИЛАР ОДОБИ  
(ОДОБ-АС-СОЛИҲИН)

Муҳаррир Азиз САИД  
Мусаввир Баҳриддин БОЗОРОВ  
Тех.муҳаррир Вера ДЕМЧЕНКО  
Мусаҳҳиҳ Мақсуда ХУДОЁРОВА  
Компьютер устаси Екатерина НАЗАРОВА

ИБ 3650

Босишга 27.03.2002. рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.  
Босма тобори 1,5. Адади 1000 нуска. Буюртма № 67.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Янги аср авлоди»  
нашриёт-матбаа маркази. 700113,  
Тошкент, Чилонзор-8, Қаторгол кўчаси, 60.